БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 9 октябрь Сешанба

№ 192 (13.628). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

«Ҳосил—90»

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ!

ЯНГИАРИҚ НОҲИЯСИДАГИ Аваз Ўтар номли жамоа хўжалиги давлатга пахта сотиш режасини бажарди. 943 гектар пахта майдонидан 2900 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Қурбонбой Сафоев, Ҳусан Ибрагимов каби «пўлат от» соҳиблари 120—150 тоннадан пахта териб тўкдилар.

Хўжаликда оила пудратига ҳам катта эътибор берилган. Пудрат асосида ишлаган 442 оиладан 374 таси режаларини ошириб уддаладилар.

Хўжалик пахтакорлари давлатга яна 680 тонна «оқ олтин» сотишни кўзлаб туришибди.

* * *

Хўжалик пахтакорлари мавжуд 970 гектар майдоннинг ҳар гектари ҳисобига 30,1 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, давлатга пахта сотиш юзасидан белгиланган режаларини ошириб бажардилар. 2935 тоннадан зиёд ҳосилнинг 96 фоизи юқори сортларга сотилди. Ана шу ҳосилнинг 1580 тоннаси машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди. Дастлабки даромад 3 миллион 37 минг сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1 миллион 137 минг сўм кўп демакдир.

М. МАДРАҲИМОВ,
Хоразм вилояти Янгиариқ ноҳияси Киров номли жамоа хўжалиги.

* * *

Жиззах вилояти Октябрь ноҳиясидаги Файзулла Хўжаев номли 24-давлат хўжалигининг 3-бўлим деҳқонлари ҳам зафар қучдилар. Ялпи ҳосил машиналар ёрдамида териб олинди.

Бўлим деҳқонлари яна 122 тонна пахтани йиғиб-териб олиб, хирмонни 805 тоннага етказишмоқчи.



Машина зўрми ё қўл кучи? Ҳозирча чевар қизларимиз «пўлат от»лардан зўр чиқишяпти. Мана, Матлубанинг бир ўзи шу кунгача тўрт тонналик хирмон уйди. У Бухоро вилоятининг Қизилтепа ноҳиясидаги «Ёш ленинчи» жамоа хўжалиги далаларида тонгларни тунга улаяпти.

Орзуларини бир-бир амалга ошириш ниятида енг шимариб ишга киришган. Мавсум охиригача 7 тонна пахта теришни кўнглига туккан.

СУРАТДА: М. ҲОСИЛОВА.
Суратчи: Ҳ. ҚУРБОНОВ.

ХИРМОН ЮКСАЛМОҚДА

Бўз ноҳиясидаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалигининг Ортиғ-али Сатторов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг аъзолари 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан кўзда тутилган 28,5 центнер ўрнига 29,4 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар. Бригада механизатори А. Носиров «зангори кема» этагидан 130 тонна «оқ олтин» териб тўкди. Ҳимоятхон Умарова, Гулнорахон Ҳайдарова, Турсуной Сафарова сингари чевар теримчиларнинг ҳар бири мавсумда 10—12 тоннадан дур териш иштиёқида тер тўкишаётир.

— Бригадамиз комсомол-ёшлари деҳқончилик ишларини бригада пудрати услубида ташкил этиб, қувончли натижаларга эришдилар, — дейди етакчи О. Сатторов.— Бизга ажратилган пул-материал сарфидан ўтган 9 ойда 4,7 минг сўм маблағ иқтисод қилдик. Етиштирилган ҳосилнинг 80 фоизини машиналарда териб олдик. Дастлабки довондан ошган бригадамиз ёшлари ҳосилдорликни гектар бошига 30 центнерданга етказишмоқчи.

Ҳ. РУСТАМОВ.
Андижон вилояти.

«СЦЕНАРИЙ» БЎЙИЧАМИ?

Жумҳуриятимиз комсомолининг XXIV съездига тайёргарлик қизғин паллага кирди. Съездолди кураш жараёни зиддиятларни очиб ташлаб, иттифоқ ичидаги кучларни тобора жадалроқ икки гуруҳга-илғор фикрловчилар ва эскилик тарафдорларига ажратмоқда. Бу табиий жараён, чунки ҳар қандай сиёсий ташкилотда фикрлар хилма-хиллиги бўлсагина ривожланади.

Ҳозир вилоят, ноҳия ва шаҳар комсомол қўмиталарининг бўлиб ўтаётган пленумларида ҳам бу кураш ўз ифодасини топаётир, турли хил қарама-қарши фикрларга сабаб бўлаётир. Қуйида Қашқадарё вилояти Муборак шаҳар комсомол қўмитаси пленуми ҳақида пленум қатнашчиси А. Султон номли давлат хўжалиги меъмори Нормурод ТОҒАЕВнинг долзарб мавзудаги фикри билан танишасиз.

— Шундай қилиб, пленум бўлиб ўтди...

— Унинг якунларидан қониқмадим. Муборак комсомоли ҳаётида туб ўзгаришлар бўлади, комсомоллар ўз ҳаётий позициясини қатъий қилиб белгилаб олади, қолаверса, ноҳиямиз ва шаҳримиз ёшлари шаҳар комсомол қўмитаси ва унинг котиблари фаолиятига муносиб баҳо беради, уларни лоқайдлик, карахтлик уйқусидан уйғотиб қўяди, ўзибўларчилик ва бюрократик ишлаш услубидан воз кечтиради, деб ўйлагандим. Ҳар доимгидек «ўра-ура»чилик олдиндан «сценарий» тайёрлаш, қарсакбозлик, ўткир муаммоларга ҳам юзаки ёндашиш каби усуллар, режалар, баландпарвоз маъруза-ю, чиройли гаплар...

Бошланғич комсомол ташкилотлари, шаҳар комсомол қўмитаси бюроси томонидан кўрсатилган 7 нафар номзоднинг дастурлари билан танишишга тўғри келди. Бу билан делегатликка номзодлар муқобиллиги чегараланди. Бевосита пленум қатнашчилари ўз номзодларини ўтказа олишмади.

— Ўзингиз бирон бир таклиф билан чиқмадингизми?

— Чиқдим! Бугун сайланажак делегат съездга катта тайёргарлик билан бориши, анжуманда ҳал қилувчи роль ўйнаши учун муносиб номзодларни танлашимиз кераклиги, кейин пушаймон бўлиб юрмаслигимиз тўғрисида гапирдим.

— Қўллаб-қувватлашдими?

— Қўллаб-қувватлаганлар ҳам кўпчилик эди. Лекин фикримиз негадир инобатга олинмади.

— Шундай қилиб съездга 2 нафар делегат сайланди.

— 7 номзоддан энг кўп овоз олган 2 номзод делегат бўлади деб келишилди. Бу гапни шахсан шаҳар комсомол қўмитаси саркотиби Р. Болтаев айтди. Овозга қўйилди. Р. Болтаев 32 та овоз олиб сайланди. Аметхон Султон номли давлат хўжалиги комсомол қўмитаси котиби Муфтулло Файзуллаев 26 овоз олди. Бу номзоднинг сайланиб қолиши кутилмаган ҳол бўлди, шекилли, пленумни олиб борувчилар пленум қатнашчилари билан келишилган шартни шартта ўзгартирдилар. М. Файзуллаев билан 19 та овоз олган Нодира Рустамованинг номзодлари муқобиллик асосида қайта овозга қўйиладиган бўлди. Ҳамма ҳайрон. Айрим пленум қатнашчилари саркотибнинг субутсизлигидан ранжиб, норозилик аломати сифатида пленумни ташлаб чиқиб кетдилар. Барибир Н. Рустамова 21 та овоз билан съезд делегати этиб сайланди. М. Файзуллаев эса 20 овоз олди.

Нодира Рустамова — шаҳримиздаги В. И. Ленин номли мактабнинг 11-синф ўқувчиси. Аъло баҳоларга ўқиркан, жамоат ишларида фаол қатнашаркан, яхши. Бироқ, ҳозирча у ноҳия ва шаҳар миқёсидаги комсомол ишларини бугунги ўрнидан силжитишга, шаҳар комсомол қўмитасида қайта қуриш бўлишига эришишда ҳали тажрибасизлик қилиб қолиши мумкин. Ҳозирги даврда комсомолга кўплаб ёшларга йўл-йўриқлар кўрсатадиган, уларни ўз ортидан эргаштира оладиган журъатли, мураккаб сиёсий жараёнда ўзини йўқотиб қўймайдиган тадбиркор, комсомол ишини жуда яхши биладиган ёшлар керак, деб ўйлайман.

Суҳбатни Ибодулла ЖЎРАЕВ олиб борди.
Муборак ноҳияси.



ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ КЕТАЯПТИ?

Зафарбек САИДХЎЖАЕВ, Андижон вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби:

— Вилоятимиз ноҳияларидаги бошланғич ташкилотларда йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Ана шу йиғилишларда комсомоллар Ўзбекистон ЛКЁИ Устави ва Ҳаракатномаси лойиҳаларини манфаатдорлик билан муҳокама қилмоқдалар. Ана шу ҳужжатлар лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, нуқтаи-назарларини билдириб, аниқ таклифларни киритмоқдалар. Шунингдек, жумҳурият комсомоли съездига делегатлар ҳам кўрсатмоқдалар.

Ана шу тайёргарлик ишлари билан бир қаторда вилоят комсомол қўмитаси ўзининг Устави лойиҳасини ҳам тайёрламоқда. Умуман, вилоят комсомол ташкилоти бўйича съездга муқобил асосда 84 делегат сайланиши керак. Бироқ номзодлар жуда кўп. Масалан, Олтинкўл ноҳия комсомол қўмитасида 5 ўринга 29 номзод ва Хўжаобод ноҳия комсомол ташкилотида 6 ўринга 20 номзод кўрсатилган. Бу эса вилоят комсомол қўмитаси пленумида ана шулар ичидан энг муносибларини жумҳурият комсомоли XXIV съездига делегат қилиб сайлашдек масъулиятли вазифани зиммамизга юклаши табиий.

Ўзбекистон ЛКЁИ Устави ва Ҳаракатномаси лойиҳалари юзасидан комсомол аъзолари билдирган ҳар бир фикр ва таклифлар назардан четда қолдирилмаяпти. Уларнинг ҳар бири комиссия томонидан синчиклаб ўрганилиб, умумлаштирилмоқда. Улар жумҳурият комсомоллари анжуманига тақдим этилади.

Наима ЖАББОРОВА, Тошкент вилоят комсомол қўмитаси ташкилий ишлар бўлими мудираси:

— Жумҳурият комсомолининг XXIV съездига тайёргарлик ишлари пойтахт вилояти комсомол ташкилотларида ҳам қизғин олиб борилаяпти. Вилоят комсомол ташкилотларида съездга делегатлар кўрсатиш ишлари давом этаяпти. Ҳар 3 минг комсомол аъзосидан битта делегат сайланиши керак. Вилоятимиз бўйича жами 154 делегат сайланиши лозим. Бу эса ҳар бир ноҳия комсомол қўмитаси комсомолларнинг сонига қараб делегат миқдорини белгилайди.

Вилоятимизда 26 та ноҳия, 5 та шаҳар комсомол қўмитаси мавжуд. Шулардан 11 тасида пленумлар бўлиб ўтди ва 53 делегат сайланди. Уларда Ўзбекистон ЛКЁИ Устави ва Ҳаракатномаси лойиҳалари муҳокама этилди. Комсомолларнинг ана шу ҳужжатлар юзасидан билдирган таклифлари, фикр-мулоҳазалари эътиборга олинмоқда.

Бекобод ноҳия комсомол қўмитаси пленумида 4 киши, Куйбишев ноҳия комсомол қўмитаси пленумида 10 киши, Ғалаба ноҳияси комсомол қўмитаси пленумида 3 киши, Янгийўл ноҳияси комсомол қўмитаси пленумида 4 киши съездга делегат этиб сайланди. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозир бир ўринга 4—5 киши номзоди кўрсатилмоқда. Улар вилоят комсомол қўмитаси пленумида яна бир бор атрофлича мулоҳаза юритиш билан энг муносиб номзодларни съездга делегат этиб сайланишни тақозо этади.

Суҳбатларни сим орқали Москва Давлат дорилфунуни толиби Маматнозим МАВЛОНОВ ёзиб олган.

ЁШ ЛЕНИНЧИ «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91»

МУШТАРИЙНИНГ ЎЗИ ТАНЛАЙДИ



Муштарийларга маълумки, келаси йил учун рўзнома ва ойномалар учун обуна нархи ошди. Тўғрисини тан олиш керак, бу ҳол кўпчиликни эътирозига сабаб бўлмоқда. Шундай бўлса-да, ҳақиқий муштарийлар ўз севган нашрларига обуна бўлишни исташади. Кўпчиликни келаси йил учун обуна қандай ташкил қилинганлиги қизиқтирмоқда. Шу муносабат билан мухбиримиз Тошкент шаҳар «Союзпечать» агентлиги бошлиғи ўринбосари Раиса Петровна КУЗНЕЦОВА билан суҳбатлашди.

— Раиса Петровна, бу йилги обуна мавсуми ўтган йилгисидан нимаси билан фарқ қилади?

— Ўтган йили шу вақтгача шаҳримиз меҳнаткашлари ўзларининг севимли рўзнома ва ойномаларига обуна бўлиб бўлишганди. Тўғрисини айтиш керак, келаси йил учун обуна ўтган йилгисидан анча паст. Бунинг асосий сабабларидан бири обуна учун рўзнома ва ойномаларнинг обуна баҳоси ошганлигидир. Иккинчи томондан ҳаммага маълумки, яшаш шароитимиз кундан-кун мураккаблашиб боряпти. Рўзғор тебратиш ҳам қийинлашиб боряпти. Қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам. Агар жумҳуриятимиздаги ҳамма рўзнома ва ойномаларга обуна бўлмоқчи бўлсангиз 250 — 300 сўм ҳам етмайди. Аммо яхши нашр учун ҳар қандай шароитда ҳам мухлис топилади.



— Жумҳуриятимизда янги нашрлар ташкил қилиняпти. «Халқ сўзи» — «Народное слово», «Мулоқот» — «Диалог», «Сирли олам» ва яна бир қанча нашрлар. Уларнинг обуна масаласида «тақдири» нима бўлади?

— Обуна масаласида бир нарсани ишонч билан айтишим мумкинки, муштарий ўзи севган рўзнома ва ойномаси учун ҳеч қачон пулни аямайди. Масалан, шаҳримиз аҳли «Ёш ленинчи» ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаларига оғринмай обуна бўлишмоқда. Халқнинг дилидан жой олган рўзнома журналистлари обуна масаласида ўйламаса ҳам бўлади. «Бизнинг рўзномамизга обуна бўлинг» деган саҳифа-саҳифа мақолалар ўрнига халқнинг дилидаги муаммоларни ёритиш керак.

— Манфаатдор ташкилотлар обуна масаласига қандай ёндашмоқда?

— Кўпгина ташкилотлар ўз ходимларига обуна учун «Союзпечать» агентликларига пул ўтказишмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар комсомол қўмитаси «Ёш ленинчи» ва «Комсомолец Узбекистана» рўзномалари учун 15 минг 650 нусха имтиёзли қоғоз тайёрлашган. Пойтахтимизда 200 минг комсомол — ёш борлигини ҳисобга олсак, уларнинг ўқиш ва ишда энг фаоллари юқоридаги имтиёзлардан фойдаланиши мумкин. Яъни бу нашрлар учун имтиёзлилар 9 сўмга обуна бўлишади. Қутлуғ ишга вилоятлар комсомол қўмиталаридаги масъул ўртоқлар ўйлаймизки томошабин бўлиб туришмайди. Чунки яхши ташаббус пойтахтдан бошланди ми демак, вилоятларда қулоч ёяди.

— Қўшни жумҳуриятлардаги аксарият муштарийларимизни обуна учун қўшимча ҳақ жорий қилинганлиги ташвишлантирмоқда.

— Баъзи ҳисобчиларнинг дўстликни пул билан ўлчаши кўпчиликка ёқмади, ахир қўшни жумҳуриятдагилар ҳам бизга ўхшаган инсонлар-ку. Наҳотки уларда Ўзбекистонда чиқаётган рўзнома ва ойномаларга қизиқиш бўлсаю, бизлар уларга 5—6 тийин қўйиб сотсак. Яқинда ушбу кўрсатма бекор қилинди. Улар жумҳуриятимиздаги нашр қилинаётган ҳар қандай ойнома ва рўзномаларга ўз нархида чекланмаган миқдорда обуна бўлишлари мумкин.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

З. МАМАДАЛИЕВ суҳбатлашди.

* * *

Ҳ. СОЛИҲОВ суратлари.

Ф. СП-1.

Министерство связи СССР „Союзпечать"

АБОНЕМЕНТ на газету 64607 (индекс издания)

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Количество комплектов:

на 1991 год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Куда (почтовый индекс) (адрес)

Кому (фамилия, инициалы)

ДОСТАВОЧНАЯ КАРТОЧКА на газету/журнал 64607 (индекс издания)

п.в. место

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Стоимость	подписки	___руб.___коп.	Количество комплектов	
	переадресовки	___руб.___коп.		

на 1991 год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Куда (почтовый индекс) (адрес)

Кому (фамилия, инициалы)

Она тилимиз—бебаҳо бойлигимиз

ЎЗИНИ БИЛМАГАН— ҲЕЧ КИМНИ БИЛМАС

Она тилимизга давлат мақоми берилганлигига қарийб бир йил бўляпти. Ўтган муддатда жуда оз иш қилинди ва давлат тилини ҳаётга тадбиқ этишнинг ҳозирги суръати кўпчилигимизни қониқтирмайди. Аксарият жойларда иш икки тиллилик асосида юритилмоқда. Бундай шароитда биз қардошларимизга ўзбек тилини ўргата олмасак керак.

Яна баъзи жойларда шундай хатоларга йўл қўйилмоқдаки, унга бефарқ қараб бўлмайди. Масалан, туғилганлик ҳақида гувоҳномалар ёзилишини олайлик. Қонуннинг 25-моддасида шундай дейилган:

«Ўзбекистон ССРда яшовчи гражданлар миллатидан қатъи назар ўз исмини (бир ёки бир неча), ота исми ва фамилиясини (бир ёки бир неча) тарихий-миллий анъаналарга мувофиқ шаклда ёздириш ҳуқуқига эгадирлар».

«Миллий-тарихий» деганн шуки, бизда аввал отамизнинг, катта отамизнинг исмига — ов, ова, вич, овна қўшимчаларини қўшиб ёзиш, айтиш расм бўлмаган. Бундай қўшимчалар қўшилганлар «миллий-тарихий» эмас, балки русча фамилиялар билан юрибдилар. Мисол учун «Юрий Иванов» билан «Собир Эшмонов» исм-фамилияларининг шакли бир хил — русча. Энди Собир Эшмоновни ўзбекчалаштирсак у «Собир Эшмон ўғли» шаклини олади. Ўтмишда ота-боболаримиз исм-фамилияларига «ўғли» сўзини, «зода», «ий» қўшимчаларини қўшиб қўллашган. Яъни Собир Эшмоновнинг тарихий-миллий шакли қуйидагича бўлиши мумкин: «Собир Эшмон», «Собир Эшмон ўғли», «Собир Эшмоний», «Собир Эшмозода».

Афсуски, фуқаролик ҳолатини қайд этиш бўлимларида бу қоида бузилмоқда. Масалан, Ғаллаорол ноҳия фуқаролик ҳолатини қайд этиш бўлимида туғилиш гувоҳномаларига ўзбекча исм-фамилиялар шундай шаклда ёзилмоқда: «Эшмонов Собир Бурҳон ўғли». Қаранг, «Эшмонов» русча шаклда, «Собир Бурҳон ўғли» тарихий-миллий шаклда. Туғилиш гувоҳномаларини бундай тўлдириш — давлат тили ҳақидаги Қонунни бузишдир. Ёки бошқача айтганда на у ёқли, на бу ёқли ўртасарсон фамилиялар ясашдир.

Фуқаролик ҳолатини қайд этиш бўлимлари ходимлари она тилимизнинг тарғиботчилари, амалга оширувчилари бўлиши лозим. Афсуски, уларга юқоридан шундай қўлланмалар юборилганки, кўпроқ ана шундай қўлланмалар ўртасарсон фамилиялар ёзилишига сабаб бўлмоқда.

«Эшмонов Собир Бурҳон ўғли» шаклида ёзишнинг яна бир хавфли томони бор. Гап шундаки, ҳали исм-фамилияларни тарихий-миллий шаклда ўзлаштириб олганимиз йўқ. Хоҳласак-хоҳламасак тилимиз русча шаклда айланаверади. Демак, «Эшмонов Собир Бурҳон ўғли» шаклида ёзилаверса, миллий-тарихий шакл — «Бурҳон ўғли» оғзаки ва ёзма нутқда ўз-ўзидан тушиб қолаверади. Оқибатда русча шаклдаги фамилияларда қолаверамиз.

Менинг фикрларим баъзи кишиларнинг норозилигига сабаб ҳам бўлиши мумкин. Ҳа, биз ўз миллий қадриятларимизни пастга уришга, уни қолоқлик тимсоли деб билишга, лой чаплашга ўрганиб қолганмиз. Аниқроғи, бизни шунга ўргатишган. Ўзини ерга урадиган, ўз қадрини билмайдиган одамдан нима ҳам кутиш мумкин.

Халқнинг ўзига хослиги йўқолмаслиги керак. Ўзига хослик биринчи навбатда исм-фамилияларда акс этиши лозим. Исм-фамилиялар грузинларда — зе, вили, арманларда — ян, украинларда — ко, юк, — кий, литваликларда — ус, русларда — ов қўшимчалари билан жаранглайди.

Шунга ўхшаш бизнинг ҳам буюк боболаримиздан мерос қолган ўз исм-фамилияларимиз бор. Ўзимизникини қўллайлик.

Албатта, катта ёшдагилар учун бунинг иложи йўқдир. Лекин туғилаётган, ҳали ёш бўлган фарзандларимизга миллий-тарихий шаклдаги исм-фамилиялар берайлик.


Туғилиш гувоҳномалари ҳам миллий шаклда бўлгани маъқул. Унинг биринчи томонига маълум шахснинг исм-фамилияси, иккинчи томонига эса отаси ҳамда етти бобосининг, шунингдек, онасининг исм-фамилиялари ёзилса. Чунки ота-боболаримиз етти бобосини билмаганни одам қаторига қўшмаганлар. Етти бобони билиш — тарихга, ўтмишга бўлган ҳурмат ҳамдир.

Қонуннинг 24-моддасида: «Ўзбекистон ССРда барча тарихий исмлар ва жойларнинг номлари халқнинг миллий мулки ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади» дейилган.

«Ёш ленинчи» рўзномасида (1990 йил 7 август) Ангрен шаҳри яқинидаги Бойовул қишлоғи номи байналмилалчи-жангчи Тўлқин Алматов хотираси учун «Алматов» деб ўзгартирилди, мазмунидаги хабар босилди. Мен қишлоқ номи ўзгартирилганлигини Қонуннинг 24-моддаси бузилибди, деб қабул қилдим. Т. Алматов хотирасини абадийлаштиришга қарши эмасман. Лекин бунинг учун бутун бир қишлоқнинг номини ўзгартириш шартмикин?..

Т. ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Жиззах вилояти, Ғаллаорол шаҳри, Ғаллаорол шаҳар Кенгаши ижроия қўмитаси котиби.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг





ЯНА «УЧАР ЛИКОПЧА»

Ҳа, ишонаверинг, бу миш-мишмас. Айнан ўзи гувоҳ бўлганлар гапиришяпти. Энди одамларни ҳайратга солиш ҳам осонмас. Биров у дейди, биров бу дейди. Қай бири рост, қайсиниси ёлғон, бу ёлғиз худога аён. Лекин номаълум учар жисмлар бизнинг сайёрамиз устида учиб юришгани чин...

Мана ўтган ойда Самарқанд вилоятининг «Янгиобод» жамоа хўжалигига қарашли Найманча қишлоғига «кутилмаган меҳмонлар» тўрт марта ташриф буюрдилар. Кўпчилик гувоҳ бунга. НУЖни ўз кўзи билан кўрганларнинг айтишларига қараганда, улар шу қишлоқлик 17 ёшли Ойниса Қувондиқова ҳузурига келишган. Балки Ойнисада ҳам уларни чақириш қудрати борлиги эҳтимолдан холи эмасдир...

Айтишларича, меҳмонлар икки киши экан. Ўзлари билан қизни учишга таклиф қилишган. Аммо мезбон бу таклифни рад этибди. Йўқ, ажабланманг, бундай воқеалар ҳозирги кунда ер куррасининг исталган бурчагида содир бўлаяпти. Ҳатто шу соҳанинг йирик мутахассислари ҳам ҳайрон. Бундан 3-4 йил олдин «фалон жойга учар ликопча тушганмиш» дейишса, ҳеч ким ишонмасди. Энди эса...

Оқдарёга — воқеа содир бўлган жойга ЎзТАГнинг суратчи мухбири Р. ҒОФУРОВ бориб келди. Ойниса Қувондиқова ҳам ҳайрон. Ўзи шоҳид бўлган воқеага биров ишонади, биров...

Учта таёқча билан белгилаб қўйилган жойнинг ўртасида НУЖдан қолган из...

Ёш ленинчи «Обуна—91» «Обуна — 91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91»

«ЁҚҚАНИНИ ЎҚИЙМИЗ!»

Янги йил учун қайси рўзнома ва ойномаларга ёзилиш иштиёқи борлиги ҳақдаги сўровга Урганч шаҳридаги Огаҳий номли махсус мактаб-мадраса талабалари шундай жавоб қайтаришди.

Мактаб-мадраса янги даргоҳ. Бу ерда ўзбек тили ва адабиёти, тарих фанлари бўйича чуқур билим берилади. Талабалар шаҳардаги барча мактаблардан танлаб олинган.

Яқинда рўзномамиз ижодий ходимлари шу мактаб-мадрасада учрашув ўтказишди. Ёшлар рўзномасининг бугуни, эртаси ҳақидаги саволларга жавоблар қайтарилди. Воҳалик таниқлик шоир Матназар Абдулҳаким шеърият борасида маъруза қилди, Янги шеърларидан намуналар ўқиб берди.

Талабалар «Ёш ленинчи» рўзномасига ёзилиш истаклари борлигини яшириб ўтирмадилар...

(Ўз мухбиримиз).

«ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИ» ТАШВИҚОТ КАРВОНИ САФАРДА

ТАШРИФИНГИЗДАН МАМНУНМИЗ

Сафардан ният: жумҳурият барча вилоятларида пахта йиғим-терими мавсуми қизғин кетаётган хўжаликда бўлиб, жамоа меҳнаткашларига «ҳормасин» айтиш, матбуотчилар ўз обуначилари билан шахсан мулоқотда бўлиш, уларнинг дарду қувончлари, фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиш эди.

Карвон аъзолари учрашувлари навбати бу гал Марҳамат ноҳияси Пахтаобод жамоа хўжалигининг Мавлюда Аюпова етакчилик қилаётган бригада пахтакорларига етди.

Меҳмонлар бригада жамоаси фаолияти билан қизиқдилар. Шу кунларда улар уйган хирмон планнинг 85 фоизини ташкил қилган. Фақат ачинарли ҳол бригада фидокорлари меҳнати кўпам қадрланмаётир. Етиштирилган ҳосилнинг катта қисми машиналарда терилаётганлиги, қўл терими оз миқдорни ташкил қилинаётганлиги сабаб пахтанинг 2-навга қабул қилинаётганлигидан йигит-қизлар куйиниб гапиришди.

Шунингдек, учрашувларда дала меҳнаткашлари «Ёш ленинчи» рўзномаси ҳақида фикр билдиришди.

— Ноҳиямиз ҳаётидаги ютуқ, муаммолар негадир рўзнома саҳифаларида кам ёритилаётир, — деб таъкидлади М. Тоирова. — Мана шундай ташрифлар, менимча, рўзноманинг янги йилдан ўз обуначиларини қизиқарли ранг-баранг мавзулардаги мақолалар билан хурсанд қилишига фақат кўмак қилади деган умиддамиз.

Қурбон ЭШМАТ,
ташвиқот карвонидаги махсус мухбиримиз.

Хорижлан хабарлар

Экология ҳақида маълумотнома

БРЮССЕЛЬ, 8 октябрь. (СИТА мухбири Валерий Шашков). Бу ерда эълон қилинган маълумотнома муаллифлари мутахассисларга ва кенг жамоатчиликка мамлакатда атроф-муҳит аҳволини кенг қамровли манзарасини холисона кўрсатиб беришни мақсад қилиб қўйганлар. Маълумотнома Бельгия атроф-муҳит масалалари ва ижтимоий эркинлик давлат секретариатининг буюртмасига мувофиқ гигиена ва эпидемиология институти мутахассислари томонидан тайёрланган. Ҳужжатда ҳаво, тупроқ, сув булғатилиши, шовқин даражаси, рўзғор ва саноат чиқитларини қайта ишлаш даражаси ҳақидаги илмий маълумотлар биринчи марта бирлаштирилган.

Маълумотномадан маълум бўлишича, сўнгги ўн йил ичида асосан атом электр станцияларини қуриш ва ёқилғининг экология жиҳатидан соф турларини қўлланиш ҳисобига ҳавога чиқариладиган олтингугурт ангидрид миқдорини икки баравар камайтиришга муваффақ бўлинди. Бироқ катта шаҳарларда ҳаводаги автомобиль моторлари ишлаётганда ажралиб чиқадиган азот оксиди ва «кислота ёмғирлари»ни келтириб чиқарувчи олтингугурт ангидриди миқдори Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан белгиланган нормалардан кўпинча ошиб кетмоқда.

Дарёларнинг ҳолати алоҳида ташвиш уйғотмоқда. Мунтазам ўтказилаётган бактериология ва кимё таҳлиллари кўпгина дарёлар суви ичиш учунгина эмас, ҳатто чўмилиш учун яроқсиз эканлигини кўрсатмоқда. Сўнгги вақтда минерал ўғитлардан кўп фойдаланиш оқибатида ер ости сувларида ҳам нитратлар миқдори кўпая бошлади.

Шовқин даражаси эса жуда ташвишли. Маълумотномада келтирилган рақамларга қараганда, Бельгияда аҳолининг 55 децибеллдан 85 децибеллгача шовқинда яшаётган қисми қўшни ГФЖ, Франция ва Голландиядагидан икки баравар кўпдир.

Атроф-муҳит масалалари ва ижтимоий эркинлик давлат котиби Мит Смитхоним ушбу ҳужжатни тақдим этаётиб, айтганидек, асосий куч-ғайрат сувни тозалашга ва ҳавога «иссиқхона эффекти»ни ривожлантиришга кўмаклашувчи углерод оксиди чиқарилишига қарши курашга қаратилади.

БОЛГАРИЯДА ЖИНОЯТЧИЛИК МУАММОСИ КЕСКИНЛАШМОҚДА

СОФИЯ, 8 октябрь (СИТА мухбири Александр Степаненко). Болгария иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муаммолар кескинлашувини бошидан кечираётган бир пайтда жиноятчилик ҳам энг қийин масалалардан бирига айланмоқда.

Шу йилнинг дастлабки тўққиз ойи давомида мамлакатда 35914 та жиноят содир этилди. Айниқса Бургa, Варна, Пловдив, Киржали ва Ямболда вазият ташвишли. Ана шу ғайриқонуний ҳаракатларнинг анча қисми оғир жиноятлар эканлигидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ташвишланмоқдалар: талончилик, номусга тегиш кўпаймоқда. Бундай жиноятлар кўпинча жуда шафқатсизлик билан амалга оширилмоқда. Болгария Ички ишлар вазирлигининг масъул ходими Эмил Николов «Отечевствен вестник» рўзномаси мухбири билан суҳбатда шуларни хабар қилди.

Унинг гапларига қараганда, ғаразли мақсадларда ёки бошқа жиноятларни яшириш учун қотиллик қилиш сони кўпайиб бормоқда. Автомобиллар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари жуда тақчил бўлиб қолган шароитда автомобиллар ва уларнинг эҳтиёт қисмларини ўғирлаш кўп марта кўпайди. Яна бир «долзарб» тамойил: уйларни бузиб кириб ўғрилик қилишнинг кўпайганлигидир. Давлат ва ширкат омборлари, умумий овқатланиш корхоналари эшикларини бузиб талаб кетишмоқда. Ўғрилар қаҳва, спиртли ичимликлар, сигареталар, рўзғор электр техникасини олиб кетишмоқда. Олтин ва кумуш буюмларни, пул, маданий бойликларни ўғирлаш ҳоллари ҳам кам эмас.

Жиноятларнинг 16,2 фоизини балоғатга етмаганлар содир этмоқда (бу кўрсаткич ўтган йилнинг дастлабки тўққиз ойида 11,4 фоизни ташкил этган эди). Мамлакатда уюшган жиноятчилик мавжуд. Ушбу ижтимоий иллатга қарши курашнинг самарадорлигига келганда эса, бу соҳадаги иш кўнгилдагидек эмас. Юқорида айтилган деярли 36 минг жиноятдан атиги 41 фоизи очилди.

ИОРДАНИЯ ПОДШОҲИ ҲУЗУРИДА

АММОН. СИТА. СССР Президентлик кенгашининг аъзоси Е. М. Примаков Москвадан Бағдодга бора туриб, Аммонда тўхтаб ўтди. У Бағдодга СССР Президентининг махсус вакили сифатида бормоқда. Е. М. Примаков подшоҳ Ҳусайн томонидан қабул қилинди ва у СССР Президенти М. С. Горбачевнинг Форс кўрфази ноҳиясидаги аҳволга тааллуқли мактубини топширди.

Е. М. Примаков Аммонда Фаластин Озодлик Ташкилотининг Раиси Ясир Арафат билан учрашди. Фаластин раҳбарига СССР Президенти М. С. Горбачевнинг Форс кўрфазидаги танг вазиятга доир мактуби топширилди. Узоқ давом этган суҳбат чоғида минтақада вужудга келган вазиятнинг турли жиҳатлари атрофлича муҳокама қилинди, танглиқдан сиёсий воситалар ёрдамида чиқиш юзасидан арабларнинг кучларини ва халқаро кучларни фаоллаштириш зарурлиги айтилди. Бу эса Яқин Шарққа доир бошқа муаммоларни, биринчи галда Фаластин муаммосини ҳал этишга янги омил бағишлаган бўлур эди.

Суҳбатда СССР Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари И. С. Белоусов ва Совет Иттифоқининг Иорданиядаги элчиси Ю. С.Грядунов иштирок этдилар.

БИРЛАШГАН ГЕРМАНИЯНИНГ ДАСТЛАБКИ КУНИ КАТТА ТАРТИБСИЗЛИКЛАР БИЛАН ТУГАДИ

БЕРЛИН. СИТА. Берлинда яшовчи ва бирлашган Германия пойтахтига меҳмон бўлиб келган кўп минглаб одамлар учун икки давлат бирлашувининг дастлабки куни кўзларда ёш билан тугалланди. Лекин аввалги кундан фарқли равишда бу ёшларнинг оқишига ГДЖ билан ГФЖнинг бирлашиши эмас, балки... кўздан ёш оқизадиган газ сабаб бўлди. Шаҳар маъмурлари чўчиётган ҳамда аҳоли ҳадиксираб кутаётган воқеа, ҳар қалай, содир бўлди. Кеча оқшомда Берлинда чинакам «кўча жанги» бўлди.

Берлиннинг ғарбий қисмидан темир калтаклар ва занжирлар билан қуролланган кўплаб безорилар тўдалари келди. Уларга маҳаллий ўнг радикаллар ҳам қўшилди. Улар ўзларини ўзлари жазавага солиб, Александреплац марказий майдонида ирқчиликка ва герман олифтагарчилиги ва миллатчилигининг тикланишига қарши норозилик билдираётган намойишчилар сафига қўшилиб кетиб, бу ерда жанжал чиқардилар ва муштлаша бошладилар. Безорилар «Штадт Берлин» меҳмонхонасининг ойналарини ҳамда дўконлар витриналарини синдирдилар, тўхтаб турган автомобилларни пачоқлаб, ёқиб юбордилар. Олчоқлар меҳмонхона олдидаги баланд устунга ўрнатилган ГФЖ байроғини юлиб олиб, уни йиртиб ташладилар ҳамда қора ва қизил тасмаларни бирлаштириб, ёғоч учига илиб, анархизм рамзи сифатида баланд кўтардилар.

Полиция воқеаларнинг шундай ривожланишига шай бўлиб турган эди. Шаҳар марказини чегара қисмлари билан кучайтирилган йирик қўшилмалар назорат қилиб турарди. Жамоат тартибини сақлаш хизмати ходимлари тош бўрондан зирҳли автомобиллар ортига яшириниб, кўздан ёш оқизадиган газ ҳамда кучли босим билан сув сепадиган қурилмаларни ишга туширишга мажбур бўлишди.

Жангда гоҳ у, гоҳ бу томоннинг қўли баланд келди. Полиция бир жойда тартиб ўрнатишга муваффақ бўлганида, бошқа жойда яна урйиқит, муштлашувлар бошланарди. Матбуотда таъкидланишича, ҳар икки томон ҳам ўзи нималарга қодир бўлса, ҳаммасини намойиш этди. Икки юздан кўпроқ одам жароҳатланди, улар орасида анчагина полициячилар ҳам бор, 180 киши қамоққа олинди — тантаналарнинг дастлабки қайғули якуни ана шундай.

Ранг-баранг олам

ЧЕКИШГА ҚАРШИ ТЕЛЕФОН

● ЛОС-АНЖЕЛОСДА фақат чекишни ташлашни хоҳловчилар фойдаланадиган антиқа телефон хизмати мавжуд. Керакли сонни теришингиз билан ундан ашаддий кашанданинг кишини ваҳимага келтирувчи йўтали эшитилади. Бундай телефон хизматидан бир марта фойдаланган киши энди папиросни ўйлаб қўлига олади.

ХАТНИНГ ЭГАСИ КИМ!

● ТУРКИЯНИНГ Барзан қишлоғида бор-йўғи 42 киши истиқомат қилишига қарамай, уларнинг фамилиялари бир хил — Вейсал. Яна шуниси қизиқки, қишлоқдаги барча эркакларнинг исмлари Мустафодир. Бу ердаги бирор эркак кишига хат келса, почтальон мактубни очиқ майдонда баланд овоз билан ўқийди, шундагина хат эгаси аниқланади.

ОТДА — БАСКЕТБОЛ

● ФРАНЦИЯДА янги ўйин ихтиро этилиб, унинг номи хорсбол ёки отда баскетбол ўйинидир. Узунлиги — 60, эни эса 25 метр бўлган майдонда тўрт нафардан чавандози бўлган икки команда беллашади. Учрашув икки бўлимда 10 дақиқадан ўтказилиб, кенглиги бир метр бўлган тўрни кўп марта аниқ нишонга олган команда ғолиб чиқади. Тўп учун курашда чавандоз ва отларнинг тўқнашиб кетиб, жароҳат олиши мумкин бўлишига қарамай, хорсбол ўйини тобора оммалашиб бормоқда. Франциядан ташқари Бельгияда ҳам отда баскетбол ўйнаш бўйича мамлакат биринчилиги ўтказилмоқда.

СУВ ОСТИДА ОМБОР

● ЯПОНИЯДАГИ Сива кўли йил давомида ҳарорати ўзгармовчи муздек суви билан машҳурдир. Мутахассислар кўл тубида гуруч сақлаш учун омбор қуришга қарор қилишди. Уларнинг фикрича, пластик қопларга солинган гуруч кўл тубида уч йилгача бузилмай сақланар экан.

Ранг-баранг олам

Хорижлан хабарлар

Шоир Хуршид ДАВРОН сиз азиз муштарийларга нафақат дилбар шоир, балки замонамизнинг муҳим ижтимоий муаммоларига фаол муносабат билдириб келаётган зукко публицист сифатида ҳам таниш. Жамоатчи мухбиримиз шоир билан тарихга муносабат, асори атиқаларни асраш мавзуида суҳбатлашди. Қуйида шу мусоҳабани ўқийсиз.

1

— «Дунёнинг ўтмиш тарихи, буюк эркаклар ва аёллар, улар амалга оширган улуғ ишлар тўғрисида фикрлаш фавқулодда мароқлидир... Тарихни ўқиш яхши. Лекин уни яратишга ҳисса қўшиш янада қизиқарли ва эътиборли» деб ёзганди Жавоҳарлаъл Неру. Биз улуғ бобомиз Амир Темур ибн Тарағай Баҳодир каби улуғ шахснинг авлоди эканлигимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Лекин бу улуғ бобомиз билан бир қаторда Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ал-Хоразмий, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод ва яна кўплаб бобомизга ўрнатилган ёдгорликларнинг ниҳоятда озлиги, бори ҳам қаровсизлик оқибатида ночор аҳволда эканлиги, улар тўғрисида салмоқли асарлар яратилмаганлиги ва ниҳоят, айни кундаги кишиларнинг юқорида номлари зикр этилган улуғларнинг авлодиданмиз дейиши... қандай бўларкин?

— Аҳволимиз қандай бўлишидан қатъи назар, биз ўша улуғ бобокалонларимиз авлодимиз. Гап ўша улуғларга лойиқмизми, уларнинг хотираси олдидаги бурчимизни ҳалол ўтаяпмизми, деган сўроққа қандай жавоб беришимизда. Миллат тарихини ям-яшил боққа қиёсласак, биз ўша боғдаги гуллар, мевасиз дарахтлармиз. Бобо дарахтлар мангу яшил, мевалари ғарқ пишган. Уларни қуритмоққа уринган, илдизларига болта урмоқчи бўлган кимсалар фитнасига басма-бас бу дарахтлар баттар авжланиб яшилланди. Аммо биз... аммо биз кўрлигимиз туфайли бобо дарахтлар томири сув ичаётган дарёларни кўролмадик.

Биз шу даражага тушдикки, боболаримиз исмини унутиб, уларни ажнабийлар қўйган номлар билан атаб ўтдик. Тошкентда Алгоритм номи билан аталадиган корхона бор. Алгоритм машҳур юртдошимиз Ал-Хоразмий номининг Оврупоча талаффузи эканини биладиганлар оз. Бироқ, мавзе билан корхонага ал-Хоразмий номини беришни ўйламадик. Аждодлардан қолган энг қиммат мерос — тилимиздаги бундай ғайри ҳодисалар дилимиздаги манқуртона тушунчалардан келиб чиқмоқда. Улардан халос бўлгандагина илдизлар билан дарё ўртасидаги тўсиқлар йўқолиб, сув ичга бошлашимизни англайлик.

Боболаримиз ҳақида салмоқли асарлар яратилмаётганлигини айтдингиз. Боболаримиз ҳақида салмоқли бўлмасин, улар ҳақида ёзадиган ёзувчида салмоқ — маънавий етуклик, маърифий қудрат етишмаса қандай қилиб ёзсин?

Боболаримизга ўрнатилган ҳайкаллар озлиги масаласига келсак, энг муҳими бу эмас. Ҳозирги пайтда энг муҳими ал ёдгорликлар — улардан қолган меросни авайлаш, ўрганиш ва ривожлантириш, тезроқ халққа етказиш. Жумҳуриятдаги уч илмий текшириш масканида — Шарқшунослик, Қўлёзмалар, Тарих институтларида, музейларда эллик мингга яқин кўҳна қўлёзма сақланади. Шу пайтгача давом этган маромда ишланса, хом чўтларга қараганда, бу қўлёзмаларни ўрганиш ва нашр этиш учун 4000 йил керак бўларкан. Бироқ, бугунга келиб қўлёзмаларнинг аҳволи шундай аянчлики, яқин келажакда улардан кўпи нобуд бўлиши мумкин. Кейинги пайтларда қўлёзмаларга ҳар бир қўлёзма саҳифасини микрофильмга олиш, кўпайтириш, улар ҳақида маълумот тўплаш ишлари бошланди, аммо бу ҳам етарли эмас. Ҳозирги пайтда қўлёзмалар ўзлиги масаласига келсак, улардан ... фойдаланиш учун кўплаб қўлёзмалар ... Арманистондаги жаҳонга машҳур Матанадаран — қўлёзмалар хазинасида ... махсус қутида сандал дарахтидан ясалган махсус қутида сақланишини эшитиб, «қачон биз ҳам боболар меросини қадрлашни ўрганамиз», деб азоб чекаман. Ҳозирги биринчи вазифа: нобуд бўлиш олдида турган қўлёзмаларни микрофильмларга олиш, жумҳуриятда ягона тарихий қўлёзмалар микрофильмлари фондини тузишдан иборат.

Шунинг учун ҳам бобоаларга ҳайкал қўйишдан олдин, улар ўзларига қўйган чинакам ҳайкалларни, уларнинг улуғлиги исботи салмоқли қўлёзмаларини сақлаб қолишни ўйлайлик. Бу ишимизнинг ўзи, Неру айтгандек, тарихни яратишга ҳисса қўшишдир.

— Шуниси қизиқки, улуғ бобомиз Амир Темур тўғрисида бирорта ўзбек ёзувчиси ёки шоири бирон сатр ёзмади. Жумладан тарихимизда ўтган гўзал инсонлар ҳақида гўзал шеърлар битган сиздан шоир ҳам.

— Бу сиз айтгандай эмас. Фитратнинг «Амир Темур сағанаси» деб аталган саҳна асари, Ойбекнинг Амир Темурга бағишланган достони бор. Улар яқин кунлар ичида нашр этилса керак. «Шарқ юлдузи» ойномасининг шундай режаси борлиги ҳақида эшитдим.

Ўзимга келсак, сиз ҳақсиз. Гарчи Амир Темурга бағишланган алоҳида бир шеър ёзмаган бўлсам-да, жуда кўп шеърларимда унинг номини тилга олиб ўтганман. Аммо ҳамиша унинг номи нима учундир ўчириб келинган. Шу кунларда эса бир неча тарихий эссе устида ишлаяпман. Уларнинг бири Амир Темур ҳақида, аниқроғи унинг мақбараси тарихи ҳақида бўлади. «Саодат» ойномасининг икки сонида Бибихоним ҳақидаги тарихий эссе босилади. Бу асарларда Амир Темур ҳақида кўп маълумотлар бериш мумкин. Шу ўринда мен ҳозир Амир Темур ҳақида ёзиш мумкин бўлгани учун ёзмаётганлигимни айтмоқчиман. Бу тарихий эсселар китобини ёзиш учун қарийб ўн беш йил тайёргарлик кўрдим, кўп тарихий китобларни титилаб чиқдим, маълумотлар, энг муҳими ҳаққоний манбаларни жамлашга ҳаракат қилдим. Чунки мен тарих билан ўйнашиб бўлмаслигини жуда яхши биламан. Тарихий даврни ва шахсни жиддий ўрганмай туриб асар ёзишга киришиш, эшакасиз қайиқда суронли дарёни кечиб ўтишга урингандек бўлур. Ҳолаверса, Амир Темур номини бўлар-бўлмасга тилга олишгаям қаршиман.

— Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика куллиёти талабалари билан бўлган учрашувда ёзувчилардан бири: «Амир Темур хоки бугунги кунда Ленинграддаги Эрмитажда сақланмоқда», деб айтди...

— Мен ҳам бу гапни эшитганман. Аммо, биласизми, эшитишга эшитдиму бу ростми-ёлғонми деб ҳозиргача ўйлайман. Буни аниқлаш учун эса Темур бобомиз қабрини яна очиш керак. Аммо шуни ўйласам кўрқиб кетаман. Ахир, 1941 йилнинг 18 июнида унинг қабри очилганда, уч кун ўтар-ўтмас уруш бошланганини биласиз. Ҳолаверса, жаҳонгир қабрини очишга киришганлардан самарқандлик чоллар бу иш билан шуғулланган комиссия аъзолари олдига эски бир китобни кўтариб келишган. Китобда Амир Темур хоки безовта қилинмаслиги, акс ҳолда уруш бошланиши мумкинлиги ёзилган эди. Мен юқорида Амир

2

Темур сағанаси ҳақида ёзаётган эссени тилга олиб ўтдим, унда мана шу воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади.

Амир Темур хоки ҳақидаги миш-мишни текшириб кўриш сиз билан менинг қўлимдан келмаслигини ҳам яхши биламан. Бунинг учун эътиборли давлат комиссиясини тузиш керак бўлади.

Шу ўринда мен жумҳурият Олий Кенгаши қошидаги мерос масалалари билан шуғулланувчи комиссия аъзолари тезроқ амалий ишларга ўтишларини истардим. Сиз берган саволга ва бошқа жуда кўп саволларга мана шу комиссия аъзолари жавоб беришлари керак. Шахсан ўзим ҳам жуда кўп саволларга жавоб кутяпман. Бу қандай саволлар деб сўрашингиз мумкин.

Чор Россияси босқини ва кейинги етмиш икки йил давомида халқимизга тегишли жуда кўп миллий қадриятларимиз Москва ва Ленинград музейларига минг турли баҳоналар билан олиб кетилди. Мен сизга тарихчи бобомиз Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий» асаридан бир парча ўқиб берай. Баёний Кауфман бошлиқ рус босқинчилари Хивани эгаллаганлари ҳақидаги бобда шундай ёзади: «Кауфман келиб Аркка кириб тахти Хоразмшоҳийда ўлтурди... Кулучоф (Головачёв) хазинани очдуруб хазинаға кирди, бир сандали бор эрди. Қулучоф кўруб деди: «Бу императур саройида туратурғон шоҳи сандалларға ўхшашдур... Яна музайян бир сандаликим, Муҳаммад Раҳим Баҳодурхони аввалиннинг замонларида тузатилмиш эрди. Яна бир неча темур орча кўрдулар. Ҳаммалари холи эрди. Магар, бириким ичи тўла танга эрди... Олтун ва зумуррад била марзеъ (зийнатланган) эрди ва бир миқдор марзеъ қиличлару ханжарлар ва милтиғу таппончалар ва неча олтун чопулғон покиза улуғ милтуқлар бор эрди. Ва бир неча навижод олтиотар бор эрди. Яна ўн икки тўфанг била бир хили фашанг ва фишанг тўлдурадурғон олатлар бор эрди. ...Яна бир уйда (Бу уй Муҳаммад Раҳимхон — Ферузнинг кутубхонаси эди — Х. Д.) УЧ ЮЗ МУЖАЛЛАД ЁЗМА МУЗАЙЯН КИТОБЛАР БОР ЭРДИ ва чаройнаву саватлар ва дубулғалару қуллуқу тизлику ўқ-ёйларнинг ҳаммасики, мутарассуф бўлди, чун ҳаммаси марзеъ ва мажухор ва баҳодор нимарсалар эрди, Петербурғға юборилди.

...Мунинг сўнги куни Русия аскаридин бир жамоа Аркка кириб қолғон аҳмолу асқолни тарож этдилар». Баёний айтган уч юз жилд китоб Ленинграддаги Шчедрин номли кутубхонада, ҳар бири санъат асари бўлмиш жанг яроқлари эса Эрмитаж билан Москвадаги қурол-аслаҳа палатасида сақланмоқда.

Чор босқини йилларида Самарқанд, Тошкент, Қўқон, Хивадан жуда кўп миллий бойликларимиз талаб олиб кетилди. Улар ҳатто қабр тошларини ҳам қолдиришмаган. Масалан, Самарқанддан Муҳаммад Шайбонийхон қабртоши олиб кетилган. Бу тош мутахассислар эътирофича жаҳон тош ўймакорлиги санъатининг тенгсиз намунаси ҳисобланади.

Жуда кўп ёдгорликларимиз Москвадаги қурол-аслаҳа палатасида сақланмоқда. Уларни жаҳоннинг турли мамлакатларига олиб бориб намойиш қилишади-ю, аммо биз — бу мулкнинг эгалари уларни кўришдан маҳруммиз. Шунинг учун ҳам мен жумҳурият Олий Кенгашидан Мулк ҳақидаги қонун лойиҳасини муҳокамаси даврида шу масаланинг ҳал қилинишини кутган эдим. Афсус, бу ҳеч кимнинг эсига келмади. Миллий қадриятларимизга бўлган ҳақ-ҳуқуқимизни белгиловчи Миллий мулк ҳақида қонун қабул қилиниши шарт. Бу қонун асосида мамлакатимизнинг турли шаҳарларига олиб кетилган халқимиз меросини қайтариш ҳуқуқига эга бўлмоғимиз керак. Иттифоқ Маданият жамғармаси сўнгги йиллар ичида чет элларда сақланаётган бойликларнинг кўпини қайтаришга муваффақ бўлди. Аммо бу қайтарилган нодир буюмларнинг ҳаммаси ёлғиз рус маданиятига тегишлилиги мени ажаблантиради. Жумҳурият Маданият жамғармаси нима билан шуғулланаётганини эса ҳеч ким билмайди. Ҳолбуки, у ҳам иш билан, ҳеч бўлмаганда дунё бўйлаб сочилиб ётган халқимиз меросига тегишли ёдгорликлар рўйхатини тузиш билан шуғулланса яхши бўларди. Ўтган йили Америка Қўшма Штатлари шаҳарларида бўлиб ўтган «Темур даври санъати» кўргазмаси ҳақида бир-икки мақоламда айтиб ўтган эдим. Бу кўргазмада жуда кўп нодир ёдгорликлар, хусусан Камолиддин Беҳзоднинг қаламига мансуб миниатюралар, жумладан, султон Ҳусайн Байқаро портрети, қамал манзараси, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарига ишлатилган безаклар, Истамбулдаги Тўп-қопи музейида сақланаётган Улуғбек Мирзонинг шахсий сандиқчаси, темурий шаҳзодаларга мансуб қиличлар, уруш кийимлари, Иброҳим мирзонинг совути намойиш қилинди. Кўргазмадаги намуналар ичида Иттифоқимиз музейларида сақланаётган ўша даврга оид ёдгорликлар, жумладан, Амир Темур буйруғи билан Яссавий хонақоси учун мис, олтин, кумуш бирикмасидан қуйилган ёғчироқлар, темурий шаҳзодаларга тегишли уруш анжомлари, Темурнинг ўғли Мироншоҳ ва келини Гавҳаршодбегимнинг шахсий муҳрлари бор. Бу бойлигимизни ўз маконига қайтариш пайти етди, деб ўйлайман.

Бу бойликка ҳуқуқий эгалигимиз қонун йўли билан белгиланиши керак эдими? Керак эди! Ҳалиям кеч эмас. Жумҳурият Олий Кенгаши бу масалани албатта кўриб чиқиши керак ва албатта миллий қадриятларимизни қайтариш масалалари билан шуғулланувчи комиссия тузилиши шарт. Олий Кенгаш қошидаги Ошкоралик комиссияси раиси, ҳурматли шоиримиз Эркин Воҳидов билан гаплашганда, у киши бу масалага Олий Кенгаш диққатини қаратишга ваъда берди.

Биринчи навбатда китоблар қайтиши керак, Феруз кутубхонаси, Фитрат кутубхонаси қайтиши керак...

— «Баркамол ва соғлом қалбда Ватан тақдири мумтоз ўринни ишғол этади, ҳар қандай олийжаноб шахс Ватан билан қон-қардошлигини, у билан ўзи орасидаги муқаддас боғланишни теран англайди» деганди В. Г. Белинский. Бу сўзлар «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деган халқимиз мақолига ҳамоҳангдек. Шу сабабданми миллий бойликларимиз ташиб кетилди, тарихий обидаларимиз нураб битди, еримизни хор этдик, денгизимизни қарийб қуритдик. «Юрт нима? Ватан нима? Буни англаганга қийин бўлади. Бир умр азобдан қонлар қусару Ватандан узоқда ўлади». Наҳотки, Ватанда туриб Ватан нималигини англамоқ мушкул бўлса?

— Сиз Белинский фикрини айтдингиз. Мен эса унинг ҳамқадами Добролюбовнинг бир фикрини келтириб ўтмоқчиман. Бу фикр бир асрча бурун айтилган бўлса-да, менинг ўйлашимча, бугунги кунга ҳам бевосита тааллуқли. «Яқин-яқинларда ҳам ватанпарварлик Ватандаги барча нарсаларни мадҳ этишдан иборат эди, — дейди Добролюбов. — Ватанпарвар бўлмоқ учун энди бу нарсаларни мадҳ этишга ҳали бизда мавжуд бўлган

ҲАҚИҚАТ ЧИРОҒИНИ ЁҚАЙЛИК

бемаъниликларни аёвсиз фош қилиш ва бартараф этиш ҳам қўшилган».

Ватанни англамаслик қалбан ғоят тубан бўлиш, жоҳилликдан далолатдир.

Ватанни англамаслик ҳамиятсиз, ғурурсиз, хор ва қул одамлар қисматидир.

Ватанни англамаслик дунёни, муҳаббатни, ҳақиқатни ва ўзликни англамасликдир.

Ватанни англаш, илм ёки ҳис этиш эмас, балки фаолиятдир.

Ватанни англаш жасорат эмас, аммо усиз жасоратнинг ўзи бўлмайди.

«Наҳотки Ватанда туриб Ватан нималигини англамоқ мушкул бўлса?» — деб сўрадингиз. Хўш, айтингчи, Ўзбекистон тупроғида яшовчи ҳар бир киши бу масканни Ватаним деб билишига ишонасизми? Шахсан мен ишонмайман.

Ватанни маърифатли, фозил кишигина англай олиши мумкин. Биз эса, мен қўрқмай айтаман, жаҳолат ичида қолган халқмиз. Болаларимиз на Тўмарисни, на Аҳмад Яссавийни, на Алишер Навоийни, на Форобийни, на Султон Содиқни биладилар. Улар Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, қисқаси Туркистон тарихидан хабардор эмас. Уларгина эмас, катталар ҳам ўзлари мансуб бўлмиш халқнинг келиб чиқиш тарихини билмайдилар. Уларнинг кўзини жаҳолат кўр қилган, дилларини тош қотирган. Улар Улуғбекни эмас, Циолковскийни, Амир Темурни эмас, Петр биринчини, Сўфи Оллоёрнинг гул ғунчасидек гўзал ғазалларини эмас, Маяковскийнинг совет паспорти ҳақидаги шеърини биладилар. Шу сабабдан ҳам кўр ота-оналардан кўр болалар туғиляпти.

Биз тезликда жаҳолатдан, илмсизликдан, манқуртликдан халос бўлишимиз керак. Ватанни озод кишиларгина англай олади. Сиз айтган миллий бойликларимизнинг ташиб кетилиши, тарихий ёдгорликларимизнинг нураб вайрон бўлиши, еримизнинг заҳарланиши, денгизимизнинг қуриши фожиасини «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деган сўз билангина боғлаш хато. Биз ёлғон ғояларга қул бўлганимиз учун шундай бўлди. Яна такрорлайман, Ватан — озод инсонлар уйидир. Қулликни бўйнига олган ва шу билан хўрланган одамларнинг Ватани бўлмайди. Улар ўзлари яшаган тупроқ қадрига етмайдилар, уни топтайдилар, ғорат қиладилар. Қул ва хор одамлар ўз нафсларини шу тупроқ неъматлари билан тўйдирар эканлар, мана шу неъматларнинг ҳар бир хўжайрасида эрк деб шаҳид бўлган боболар қони мавжудлигини билмайдилар, билиб тан олмайдилар. Ахир боболаримиз бекорга ёзмаганлар-ку:

Чашмаким, қайнаб чиқар тупроқдан
Ул замин муқимларин кўз ёшидир...

Охир-оқибатда Бобур мирзо таъбири билан айтганда, «уларнинг кўзларини туз тутади». Мана шу туз тутиб кўр бўлган нокаслар эса ўз ота-оналари мозорларини бузишдан ҳам тоймайдилар.

Мана «мустақиллик декларацияси эълон қилинди, бу бизга бирон нарса бердими, ҳеч нарса ўзгаргани йўқ-ку?» — деб айтаётганлар бор. Тўғри, токи ҳар биримиз ўз дилимизда мустақиллик ўрнатмас эканмиз, жумҳурият мустақиллик декларацияси бир парча қоғоз бўлиб қолаверади. Мустақиллик эса тилаган билан ўзи келмайди, у худо марҳамати эмас. У, Норрис айтганидек, халқнинг шундай бир фарзандики, кураш суронларида, ўлим машаққатларида туғилади, қон билан ювилади, ундан милтиқ дориси тутунининг ҳиди анқиб туради. Миллат мустақиллиги унинг маърифий юксалиши билан бевосита боғлиқлигини, ҳар бир шахс мустақил мушоҳада юритиш даражасига эга бўлиши эканлигини унутмайлик. Мустақиллик энг аввало жаҳолатга қарши кураш бошламоқдир. Жоҳил одам эркин бўлолмайди. Унинг тўрт томони очиқ бўлгандаям, қўрқув ва шубҳа уни қўриқлаб тураверади.

Мустақиллик декларациясининг эълон қилиниши шу билан бирга ҳалигача мустақил бўлмаганимиз ҳақидаги ҳақиқатни тан олиш ҳамдир.

— Мактабларда Ватан тарихини ўқитмоқ оғир аҳволда. Тарих бир ёқлама, чала ўргатилмоқда. Цицерон айтади: «Тарих — ҳақиқат чироғи». Бу чироқни ўчирмоққа кўп урингганлар. Унинг нурини тўсишга ҳаракатлар ҳам бўлган. Олайлик, Аҳмад Яссавий ижодини. Яқин кунларгача уни ўқиб-ўргатмоқ ман этилган эди. Ҳолбуки, ўзбек адабиётида Ватан ҳақидаги фалсафий фикрлар шу улуғ бобомиз ҳикматларидан бошланади-ку?

— Ватанимиз тарихини ўқитиш нима учун оғир аҳволда? Чунки Ватаннинг ўзи оғир аҳволда. «Эди» деб айтолмайман, чунки ҳанузгача бу оғир аҳволдан қутилганимизча йўқ.

Бутун мамлакатда «бир қолипда қуйилган» тарих дарсликларини қайта ёзиш керак. Бизнинг дарсликлар қадимий турклар тарихидан бошланиб то бугунги таҳликали, эртаси ноаён кунларгача, холис ва тугал маълумот бериши керак. Аҳмад Яссавий, Исмоил Бухорий, Нажмиддин Кубро, Абу Али ибн Сино, Абу Носир ал-Форобий ва бошқа улуғ файласуфларимиз мероси, яъни ислом фалсафаси тарихи ёзилиши лозим. Фақат шундагина биз боболаримиз адабиётини, мусиқасини, меъморчилигини англашимиз мумкин. Тарих дарсликларини ёзишга киришган олимлар айниқса, Октябрь инқилобидан сўнг, хусусан 1917-1920 йилларда халқимиз бошига тушган фожиалар (жумладан, дошноқларнинг Қўқон аҳлини қирғин қилгани) мана шу фожиалардан ўсиб чиққан ва шу пайтгача «босмачилик» деб камситиб келинган миллий-озодлик ҳаракати ҳақида, ундан сўнг пахта мустақиллиги деб қишлоқ хўжалигимиз, еримиз, сувимиз, дарё ва денгизимиз пешонасига қора ёзуқлар битилгани ҳақида бор ҳақиқатни яширмай ёзишлари керак. Биз жумҳурият рўзномаларида 20-чи йилларнинг охирида Украинада рўй берган очлик ҳақида ўқидик, аммо кичик кўламда бўлса-да, жумҳуриятимизда ҳам ўша йиллар очлик юз бергани ҳақида қачон ўқиймиз? Ҳолаверса, Октябрь инқилобига қачон тўғри баҳо берамиз? Биз етмиш йилдан ортиқ вақт ичида мадҳ этиб келган ПРОЛЕТАР ДИКТАТУРАСИ аслида озчиликнинг кўпчилик устидан зўравонлиги эмасми? Биз Октябрь инқилобини пролетар революцияси деб келган бўлсак, унда ишчилар синфига эга бўлмаган ўзбеклар яшовчи тупроқда бу инқилобни кимлар амалга оширди? Нима учун пролетар инқилоби Ватанида ўзбек халқи крепостной деҳқон аҳволига тушди? Мана шу саволларга тарих фани жавоб бермоғи шарт.

Энг муҳими, Ватан тарихини узоқдан туриб баҳоламай, унга яқинроқ бориб ўрганиш керак. Ватан тарихини ёзувчи муаррихнинг шиори: «Баҳолашга шошилма, англашга шошил!» бўлмоғи лозим. «Сиз Цицеронинг «Тарих — ҳақиқат чироғи» деган ҳикматини тилга олдингиз. Мана шу ҳақиқат чироғи тезроқ ёқилишини истардим. Бу чироқ ёқилмас экан, зулмат ичида йўл излаб юрган йўлчига ботқоқ устида чопишга уринган одам аҳволига тушишимиз тайин. Йўл топайлик деймизу, тобора зулмат қўйнига адашиб кириб бораверамиз, чопамиз деймизу оёқларимиз ботқоққа ботиб кетаверади, охири ё жарга қулаб, ё чўкиб ҳалок бўлишимиз муқаррар.

«Миллат руҳини кўтариб турган мактаб эмасми?!» деган эди буюк мутафаккир Абдулла Авлоний. Ҳозир ҳам миллат руҳини кўтариб берадиган мактаб Авлоний ўз хитобини айтган 1914 йилдагидан фарқ қилмайдиган аҳволда. Мактабга маърифат кирсин, ҳақиқат кирсин, мушоҳада кирсин. Уларни эса янги дарсликлар, янгича мушоҳада қиладиган ўқитувчилар олиб кириши мумкин.

— Шарқ донишмандларидан бири шундай ёзади: «Сен ҳамма нарсани унутишинг мумкин, ёлғиз бир нарсани — нечун дунёга келгансан, шуни унутмасанг бас, ўзингни арзон сотмагайсан, илло баҳойинг баланд!»

Яшашдан мақсад нима? Киши нима учун дунёга келади? Курашиш учунми? Кимга қарши? Рўзнома, ойномаларда тез-тез «байналмилал дўстлик» сўзи янграб турса-ю, бир миллат журналисти иккинчи бир миллатни ёмонотлиқ қилиб, боз устига мукофот олиб турса, бу сўзнинг қадри қаерда қолади?

«Ҳақиқат деб курашган эдик, Энди ундан қўрқамиз биз ҳам». Наҳотки ҳамма «ҳақиқатчи»лар охир-оқибатда шунақа қўрқоқ бўлиб қолса? Ҳатто ҳазрат Навоий ҳам элу юртга раҳна солувчиларга қарши:

Аёнким, ватан узра то жони бор,
Киши ҳарб этар то имкони бор,

деганлар.

— Сиз берган саволларнинг кўпига инсоният неча минг йиллардан буён жавоб излаб яшайди. Шунинг учун ҳам мендан тўлақонли жавоб кутманг. Ҳолаверса, бу саволларга ҳар ким ўзича жавоб беради, тўғрими?

Яшашдан мақсад нима? Шахсан мен бу сўроққа бўлган жавобни америкалик буюк шоир Роберт Фрост сатрларида топгандайман:

Йўл узоқ,
Атрофи қора чангалзор,
Лекин мангу уйқуга қадар
Ундан албатта ўтмоғим даркор.

«Киши нима учун дунёга келади? Курашиш учунми? Кимга қарши?» деб берган сўроқларингизга жавоб бериш жуда мушкул. Шахсан мен бу жавобларни боболаримизнинг муқаддас китоби Қуръондан топаяпман. Топаяпман, топганимча йўқ. Зеро саволга қандай жавоб топиш ҳар бир одам маънавий дунёсининг даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Мен ҳаётни инсоннинг маънавий жиҳатдан ўсиб бориши учун берилган имкон деб биламан. Мақсад эса, инсоннинг камолот сари интилишида. Мана яқинда ғаройиб бир мақолани ўқидим. Киши бу дунёда ўз маънавияти учун қанча ғайрат қилса, у кўзимизга кўринмас оламга ўтганида шунчалик кучли биоток эгаси бўларкан. Кимдир бунга шубҳа қилар, аммо мен ишонаман.

«Байналмилал дўстлик» масаласига келсак, мен бу шиор остида не-не қабиҳ ишлар, бемаъниликлар, фожиалар юз берганини биламан. Номи бошқа-ю, аслида эски империя ғоялари асосида қурилган бу «дўстлик»нинг куни битганига шукр. «Байналмилал дўстлик» қарор топган кўп миллатли жамиятда илмий жиҳатдан асосланган ва Иттифоқимизда неча миллат бор, деган саволга жавоб берадиган бир рўйхат йўқлигини қандай изоҳлаш мумкин. Етмиш икки йил давомида миллатлар сони бирор марта тўғри айтилмади. Масалан, 1926 йил аҳоли рўйхатга олингандан сўнг мамлакатда 194, 1959 йилги маълумотларда 109, 1970 йилда 104, 1979 йилда 101, 1989 йилги маълумотларга қараганда эса 128 халқ ва миллат бор деб кўрсатилиши «байналмилал дўстлик» тушунчаси бор-йўғи сохта шиор бўлганини исботламайдими?

Сиз бир миллат журналисти иккинчи бир миллатни ёмонотлиқ қилиб, боз устига мукофот олса» деганда «Огонёк» ойномаси мухбири Головковни, унинг Иттифоқ журналистлари уюшмаси мукофоти билан тақдирланганини, бу мукофот эса ноинсоф мухбирнинг Фарғона фожиаларига бағишланган қуруқ бўҳтондан иборат мақоласига берилганини назарда тутаётганингизни биламан. Шуни қатъият билан айтишим мумкинки, ҳеч кимга кичик ва катталигидан қатъи назар бирон миллатга ақл ўргатиш, уни таҳқирлаш «ҳуқуқи» берилмаган.

Аммо, бундайлар Ўзбекистонимизда йўқ деб ўйласангиз хато қиласиз. «Литературная газета» рўзномаси мухбири Кружилин, «Правда» рўзномаси мухбири Артеменколар шу тоифа журналистлардан.

Қўрқув масаласига келсак, боболаримиз айтганидек, қўрқув тарбиясизлик, жаҳолат мевасидир. «Юраксиз кишилар, деб ёзади Абдулла Авлоний, дин ва миллатга бўй бўлолмасликлари табиийдур». Худди шу бобомиз «Маърифат шижоатдир» деб айтган. Жоҳил кимса қўрқув ва разолат ўчоғига айланади. Ўшда юз берган ваҳшийликлар шунинг исботи. Ваҳший жамиятда яшаб эрк тилашдан аввал диллардаги ваҳшийликдан — жаҳолатдан қутилмоқ керак. Ана шундагина ҳақиқат юзага чиқади. Маърифатга интилиш — энг олий кураш, эрк ва ҳақиқатга интилиш кураши эканлигини англайлик. Сиз тилга олган ҳазрат Навоийнинг байтидаги иккинчи сатрга диққатингизни қаратмоқчиман:

Киши ҳарб этар то имкони бор...

Мана шу имконни маърифат белгилайди. «Ҳақиқат деб курашган эдик, Энди ундан қўрқамиз биз ҳам» деганда мана шуни назарда тутган эдим. Биз қанчалик ҳақиқат деб курашга интилмайлик, дилимиздаги жаҳолат бор экан, қўрқув йўлимизни тўсиб чиқаверади...

— Ўтган ҳар бир кунимиз тарих. Шундай экан, тарихнинг ушбу минбаридан туриб келажак авлодга айтар сўзингиз?

— Суҳбатимиз давомида айтган ишларни уддаласак, яъни боболаримиз меросини авайлаб-асраб, ўрганиб, тезроқ халқимизга етказсак, боболар хотирасига муносиб ворислар бўлсак, халқимиз бойлиги саналмиш миллий қадриятларимизга бўлган ҳақ-ҳуқуқимизни белгиласак, шу ҳақ-ҳуқуқлар туфайли ташиб кетилган қадриятларимизни юртимизга қайтарсак, энг муҳими, дилимиздаги жаҳолатни қувиш — эрк ва мустақиллик учун энг олий кураш эканлигини англасак, тарихимиздаги қора доғларни тезроқ бартараф этсак — мана шу ишни амалга ошириб келажак авлод қошига ёруғ юз билан пешвоз чиқсак... Мана шу бизнинг тарихни яратишга қўшган ҳиссамиз, тарихнинг шу тўхтамидаги минбаридан туриб келажак авлодларга айтган сўзимиз бўлади.

Суҳбатдош **БЕҲЗОД.**

3

4

Жумҳурият янгиликлари

«ЎЗБЕКИСТОН» боғдорчилик-узумчилик давлат хўжалигининг меҳнаткашлари ўз ёрдамчи тармоқларидан катта даромад олишмоқда. Агар ўтган йили хўжалик 800 минг сўм даромад олган бўлса, бу йил кўриладиган фойда деярли икки баравар кўп бўлади.

Бу ерда илгари анча қимматга сотиб олинадиган ишком устунлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Консерва цехининг қуввати оширилмоқда — ҳозир ҳар куни бир ярим минг банка сабзавот-мева маҳсулоти тайёрланмоқда. Хўжаликда асаларичиликка ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу мавсумда бир тоннага яқин асал олинди.

Фарғона вилояти.

* * *

КОММУНИСТИК ноҳиясида шахсий хўжаликларнинг ем-хашак билан таъминланганлиги қишлоқдаги кўпчилик аҳолининг ўз уй фермасини ташкил этиш учун имкон яратди. Масалан, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидаги Мария Айнабекованинг томорқасида қўйлар ҳам, эчкилар ҳам, қорамол ва парранда ҳам бор.

— Кўриб турганингиздек, ўз оиламиз учун гўшт, сут ва тухумни ўзимиз етиштирамиз, ортиб қолганини эса сотишимиз ҳам мумкин, — дейди Мария опа. — Ем-хашак топиш ҳам қийин эмас, жамоа хўжалиги ёрдам беряпти. 15 сотихдан иборат томорқа участкамизда эса мева ва сабзавот етиштираяпмиз.

— Президент Фармонидан кейин ноҳияда аҳолига қорамол, парранда ва ем-хашак сотиш юзасидан изчил иш олиб борилмоқда, — деди ноҳия деҳқончилик-саноат уюшмасининг раиси А. Нишонбоев. — Қисқа вақт ичида қишлоқ аҳолисига режадаги 285 та ўрнига 296 бош қорамол, 90 та ўрнига 233 та чўчқа боласи, 201 минг парранда сотилди. Қўй ва эчкилар сотилаяпти. Шу туфайли биз бу йил шахсий хўжаликлар учун ем-хашакни ҳам кўп сотдик. Аҳолига 6668 тонна дағал хашак сотилди. Бу режалаштирилганидан деярли олти баравар кўпдир. Бундан ташқари 908 тонна силос, 458 тонна кўк пичан сотилди. Ноҳия хўжаликлари яна бир ташаббус кўрсатишди — улар томорқа хўжаликлари учун 434 тонна ем ажратдилар, ҳолбуки, бу топшириқда кўзда тутилмаган эди.

Тошкент вилояти.

* * *

«ТАХТАКУПИР» давлат хўжалигининг меҳнаткашлари 1990 йил шоли етиштириш ва топшириш давлат буюртмасини муваффақиятли бажардилар. Қорақалпоғистондаги ихтисослаштирилган шоликорлик давлат хўжаликлари ўртасида ўрим мавсумида пешқадамлик қилаётган бу давлат хўжалиги ишчилари мавсум бошидан буён омборларга 8300 тонна шоли тўкдилар. Тахтакўпирликлар шоли янчишни давом эттириб, шоли экилган 16 минг гектар ернинг ҳар гектаридан 56 центнер ҳосил олиб, давлатга қўшимча 2700 тонна шоли топшириш ниятидадирлар. Хўжалик ҳозирнинг ўзидаёқ давлатга гўшт, сут ва полиз экинлари сотиш йиллик мажбуриятларини тўла бажарди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар





АБДУЛЛА

Хоразмда ҳамма санъаткор, деган ибора бор. Хоразмликнинг эшигини қоқсангиз, ўйнаб келиб очади, ҳам дейишади... Хоразмлик уйида бирор мусиқа асбоби асрамаса, уят саналади...

Булар ҳаммаси бор гаплар. Аммо қиссадан дарров ҳисса чиқариб, қадим юртда санъаткор бўлиш оппа-осон деб ўйламанг. Санъатга иштиёқ бошқа, кўнгил қўйиш бошқа-ю, ҳақиқий санъаткор бўлиш бошқа. Бу шарафга мингдан бир зот мушарраф бўлса — шу катта гап.

Узоқ боришга ҳожат йўқ — сўнгги юз йилликдан мисол нақл қила қолайлик. Буюк Хоразм давлати ўтмишга айланган, хоразмийлар жангарилик, эркка, имон-эътиқодга ўчлик хислатларини бой берган замонларда — Чор Россияси истилоси йилларида — асримиз бошларида ҳам улар қадим боболарининг муҳим бир фазилати — санъатга ихлос иштиёқларини бой берганларича йўқ. Яқингинада хон Феруз мусиқалар басталар, ғазаллар битар, Комил Хоразмий кўҳна «Шашмақом»ни мусиқа белгиларга жо этарди. Кейин бу элдан Мадраҳим Шерозий, Ҳожихон Болта каби ибтидоий оҳангларни энг юқори поғоналарга жўровоз этган улкан истеъдод эгалари етишиб чиқишди. Ниҳоят асримиз ўрталарига келиб — воҳада қўшиқчиликнинг ўзига хос, янги мактаби вужудга келди. Бу Комилжон каби ҳассос қўшиқчининг боқий мактаби эди...

Бугун кимки қўлига тор олибди, ўзини Комилжоннинг шогирди санаши шундан. Абдулла Комилжон қўшиқчилик мактаби сабоғини олган учинчи авлодга мансуб. Овози, ижрочилик йўли Ортиқ Отажоновга ўхшаш, ҳамоҳанг. Ижрочилик маҳоратида ундан ўрганган натижаси бу.

Шу йил бошларида вилоят комсомол қўмитаси делегацияси таркибида Белоруссия ҳарбий мавзесида бўлдик. Ҳарбийдаги юртдошларимиз ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида. Орамизда санъаткорлар ҳам бор эдилар. Ҳарбий қисмларнинг катта томошагоҳларида Боғот ноҳияси маданият уйининг «Парвоз» дастаси хонандаси Абдулла Тиллаев қўшиқ куйлаганда уни олқишлашар, шўх оҳанглар янграганда томошабинларнинг ярми ўйинга тушиб кетарди. У бир қанча шаҳарлардаги ҳарбий қисмларда тўхтовсиз концертлар уюштирди, юртдошларга эл саломини етказди...

Абдулланинг комсомол билан «борди-келдиси» анчадан буён мавжуд. У Бутуниттифоқ комсомоли ташвиқот поезди сафида Россиянинг Тюмень, Чита каби вилоятларида бўлиб, у ерларда хизмат қилаётган, ишлаётган, таҳсил олаётган ўзбекистонлик ёшларга бир ойдан кўпроқ хизматда бўлган. Волгоградаги Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилишида уни қурувчилар жуда илиқ қаршилашди. «Ўзбекистон комсомоли» ташвиқот поезди билан эса жумҳуриятимизнинг барча вилоятларини, қўшни жумҳуриятларнинг бир қатор шаҳар-қишлоқларини кезиб чиққан, ўз санъатини намойиш этган.



Уни юксак комсомол мукофотига номзод қилиб кўрсатган вилоят комсомол қўмитасининг тавсияномасида «...Афғонистонда байналмилал бурчини ўтаб қайтган жангчиларга, уруш ногиронларига кўрсатаётган беғараз ёрдами учун...» деган жумлалар бор. Булар шунчаки, эътибор қаратиш учун тўқилган сатрлар эмас. Фақат шу йилнинг ўзида Абдулла вилоятнинг бир қатор ноҳия марказлари, хўжаликларида хайрия кечалари ўтказиб, ундан тушган барча маблағни вилоят байналмилалчи ва ҳаҳирадаги жангчилар кенгашининг махсус жамғармасига ўтказди. Бу маблағ эса — адолатсиз уруш жабрдийдаларининг керак-кемтикларига ишлатилмоқда...

Гурланлик «афғон»чи йигит — биринчи гуруҳ ногирони Гулмирза Шерановни кўпчилик яхши танийди. Абдулла Тиллаев деярли тенгдоши бўлган ногирон йигитга бағишлаб ўз истиқомат қилаётган хўжаликда хайрия концерти берди ва Гулмирзани ўз оталиғига олди. У жасур жангчи хонадонида бўлиб туради, дардлари билан ўртоқлашади, етишмовчиликларини бутлашда кўмаклашади. Гулмирзанинг туғилган куни байрамона тус олишида Абдулланинг ҳиссаси бор.

Унинг ҳаёт йўли, санъаткорлик фаолияти оддий. Ёшлик ҳавасини мактабда, олий ўқув юртида таҳсил пайтлари бир зум бўлса-да, тарк этмади. Тоғри, ҳамма вақт ёнида бўлди. Дастлаб мактабда бир муддат муаллимлик қилди. Кейин умрини бутунлай қўшиқчиликка, эл хизматига бахш этиш нияти устун келди. Боғот ноҳиясидаги «Коммуна» жамоа хўжалигининг «Аму соҳиллари» дастаси бадиий раҳбари бўлиб ишлади. Икки йилки, «Парвоз» дастаси хонандаси ва бадиий раҳбари, вилоят комсомол қўмитасининг «Ешлик» ташвиқот труппасининг доимий қатнашчиси.

Унинг ижросидаги «Хоразм дугоҳи», «Феруз», «Чапандози сувора», «Гулизорим», «Самарқанд ушшоғи» каби классик қўшиқлар, шунингдек Хоразм халқ қўшиқлари, лапарлари кўпчиликнинг эътиборига тушган, тингловчининг қалб-қалбига етиб борган.

Айни пайтда ўзи қўшиқлар яратди, ғазал-шеърларга мусиқа басталади. Муҳаммад Юсуфнинг «Ватан ягонасан», «Армон», Эркин Самандаровнинг «Ишқ», Ҳабибийнинг «Келмасанг», Эркин Воҳидовнинг «Мажнунтол», Машрабнинг «Айлар», Жамол Камолнинг «Тарафидан», Ҳадам Саид Муроднинг «Турналар» каби ғазал, шеърлари билан ижро этаётган қўшиқлари аллақачон эл орасида тарқалиб, халқ қўшиқларидек машҳур бўлиб кетган.

Ниятлари залворли: замонавий қўшиқлар яратиш билан бирга Хоразм халқ классик қўшиқларини мукаммал эгаллаб бориш, оғир айтим йўлларини ўрганиш, ўз устида тинмай изланиш...

У умри пахта даласида кечган, «оқ олтин» етиштириб бири икки бўлмаган оддий деҳқоннинг фарзанди. Оиласида санъаткорлар ўтишмаган. Бошловчиси ўзи. Кейин укаси бирга қўшилди. Ажаб эмас, оила анъанаси изчил давом қилиб кетса.

...Хоразм ҳамма санъаткор, деб гап бошлаган... ва ҳақиқий санъат шайдоси, моҳир ижрочи бўлиш ҳавасмандларнинг мингдан бирига насиб этса — катта гап дегандик. Бугунда номзоди Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига кўрсатилган ёш, ижрочи қўшиқчи Абдулла Тиллаев биз айтмоқчи мингдан бир бахтлиларнинг биттаси.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: истеъдодли ёш хонанда оиласи даврасида. Абдулла Тиллаев Шеранов хонадонида. У жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Ортиқ Отажонов билан.

Ж. ҚОЗОҚОВ суратлари.

«ПАХТАКОР» — «КОТАЙК» — 6:2

Башоратчи эмасмиз. Буни футбол дейдилар. Унга ишқибозлик қилиш ҳам ҳар кимнинг «қўли»дан келавермайди. Якшанба куни бўлиб ўтган ўйинда «Пахтакор» йирик ҳисобда «Котайк»ни мағлубиятга учратгач, елкамизга сал шамол теккандай бўлди. Келгуси йили мамлакат чемпионатининг олий лигаси ўйинларида ўйнайдиган командалар сафига бизнинг севимли пахтакоримиз ҳам қўшилишига умид уйғонаяпти. Лекин...

Очиғи, марказий ойнаи жаҳонда олиб кўрсатилган «Футбол шарҳи»да ҳамда олий лиганинг «Динамо» (Киев) — МАСК (киевликларни мамлакатимизнинг ўн учинчи бор чемпион бўлганликлари билан қутласак арзийди) учрашувлари ҳақидаги репортажларида ҳам шарҳловчилар аллақачон Владикавказнинг «Спартак», Запорожьенинг «Металлург» командаларини олий лигада иштироки нақд бўлганликларини айтдилар. «Пахтакор» ҳақида эса лом-лим дейилмади. Бу албатта «Пахтакор»нинг кўп миллионли мухлисларини ранжитди. Майли, «тўйдан олдин ноғора чалмайлик». Бизнинг кўнглимиз кенг, сабру-бардошимиз етарли. Шунча йил орзиқиб кутган байрамни (яна бештагина ўйин қолди) нишонлашга кечикмаймиз.

Футболда кутилмаган натижалар, ўйинлар кўп бўлади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Меҳмонлар биринчи бўлиб ҳисобни очишди. Шундай тажрибали дарвозабонимиз ҳам зарб билан тепилган тўпнинг қандай ўз дарвозаси тўрига бориб тушганини сезмай қолди. Орадан икки дақиқа ўтар-ўтмас уюштирилган қарши ҳужумлар ўз самарасини берди. Биринчи бўлимнинг ўзидаёқ командамиз ўйинчилари рақиблар дарвозасини беш марта аниқ нишонга олдилар. Иккинчи бўлим жуда осойишта ва сокин ўтди. Чунки ҳисоб 5:1 бўлса, мезбонлар бемалол ҳимояга ўтиб олсалар ҳам бўларди. Лекин имконият бўлгач, гол урганга не етсин. Меҳмонларнинг бир тўпига улар яна бир тўп билан бу бўлимда ҳам жавоб бердилар. Яна энг муҳим ғалаба қўлга киритилди. Бу ёғи энди насиб этса...

Ўтган турнинг қолган ўйинлари натижалари қуйидагича: «Таврия» — «Металлург» — 2:2, «Тирас» — «Нистру» — 1:1, «Кубань» — «Нефтчи» — 4:1, «Динамо» Сх — «Зенит» — 0:0, «Қайрат» — «Спартак» — 0:3, «Локомотив» М — «Ростсельмаш» — 2:1, «Кузбасс» — «Динамо» Ст — 0:1, «Геолог» — «Факел» — 1:0, «Шинник» — «Локомотив» НН — 1:0.

ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ

	Ў.	Ю.	Д.	М.	Т.	О.
«Спартак»	33	19	9	5	61—25	47
«Пахтакор»	33	19	8	6	67—40	46
«Металлург»	33	17	12	4	51—25	46
«Шинник»	33	16	7	10	45—35	39
«Динамо» Ст	33	16	6	11	45—34	38
«Локомотив» М	32	14	9	9	37—29	37
«Нистру»	33	12	11	10	39—36	35
«Нефтчи»	33	12	9	12	47—41	33
«Геолог»	33	12	9	12	32—37	33
«Динамо» Сх	31	12	8	11	24—29	32
«Таврия»	33	8	15	10	30—34	31
«Факел»	33	10	9	14	33—41	29
«Ростсельмаш»	33	10	9	14	33—45	29
«Локомотив» НН	33	9	11	13	34—45	29
«Тирас»	33	8	13	12	25—40	29
«Қайрат»	33	9	10	14	32—43	28
«Зенит»	33	8	12	13	34—36	28
«Котайк»	33	9	9	15	35—45	27
«Кубань»	33	10	6	17	28—46	26
«Кузбасс»	32	4	6	22	21—47	14



Меҳмонлар дарвозасига навбатдаги тўп киритилди.
Б. Ҳолмирзаев сурати.

ГУЛИСТОН
«ГУЛИСТОН» МУШТАРИЙЛАРИГА

«Гулистон» ойномаси халқимизнинг турмуши, санъати ва адабиёти равнақига доимо асосий эътиборни қаратиб келмоқда. Ойнома ўз саҳифаларида рангли ва оқ-қора тасвирли суратлар билан корхона, ташкилот, давлат ва жамоа хўжаликларидаги қайноқ ҳаётни, табиат мўъжизаларини, шаҳар ва қишлоқлар жамолини, илғор ишчи ва деҳқонлар фаолиятини бутун жумҳуриятга, қолаверса Иттифоқ ва хорижий элларга таништирмоқда.

«Гулистон» ойномасининг 1991 йилда ўз мухлисларига ҳавола этиладиган саҳифалари ҳам ўлкамиз тарихи, адабиёти ва санъатининг илдизлари чуқурроқ ўрганилган тадқиқотларга бой бўлади. Турмушимиз муаммолари «Ошкоралик ойнаси», «Бозор иқтисодиёти» каби ойнасўзларда ўз аксини топади. Иқтисодий мавзудаги мақолаларнинг мунтазам бериб борилиши орқали муштарийларимиз иқтисодий илмдан хабардор бўлиб борадилар. Бу ишда жамоамизга таниқли тарихчи ва иқтисодчи муаллифларимиз яқиндан кўмаклашадилар.

Умуман «Гулистон»да чоп этиладиган мавзуларнинг кўлами ниҳоятда чексиз, яхшиси унга обуна бўлсангизлар ўзларингиз ҳам гувоҳ бўласизлар.

Янги обуна йилида «Гулистон»нинг ҳам баҳоси ўзгарди:

Бир йилга — 10 сўму 80 тийин.

Диққат, янгилик!

УЧИНЧИ ОПЕРАЦИЯ ТИҒСИЗ ЎТДИ

Белида пайдо бўлган оғриқдан Сергей Алексеевич Сазоновнинг жони ҳалқумига келгандай бўлди. Боз устига пешоби келмай қолди. У ўзича — бу сафар тамом бўлдим, деб ўйлаганди.

Йигирма етти йил бурун шундай қийналганда текширтириб кўрса, буйрак тош касаллигига чалинган экан. Аввалига дори-дармон қилдириб юрди. Дориларнинг нафи тегмагач, 1978 йили операция қилдирди. Жарроҳлар унинг ҳар икки буйрагидан катталиги 2 сантиметр ҳажмдаги тошларни олиб ташладилар. Ўн йил ўтиб яна шу ҳол қайтарилди. Яна операция қилиниб, яна ўшандай катталикдаги иккита тош олиб ташланди. Энди учинчи бор қийналиши, ёши ҳам олтмиш бешдан ошиб қолган. Лекин оғриқдан чекаётган азобга дош беролмасди.

— Ё ўлим, ё ҳаёт, деб таваккалига Ўзбекистон ССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлиги жумҳурият 1-клиник касалхонасининг янги ташкил этилган урология бўлимига мурожаат этди. У ерда тиббиёт фанлари доктори Александр Владимирович Барабаш бошчилигидаги бир гуруҳ шифокорлар Ғарбий Олмонияда ишлаб чиқилган «Литотриптор» аппарати ёрдамида ташқаридан туриб тўлқин юборишиб С. А. Сазоновнинг ҳар икки буйрагидаги 1,5 см. катталикдаги тошларни майдалаб юборишди. Кечки ва эрталабки пешоби қумга ўхшаш тошлар билан келгач, рентген текшируви ўтказилди. Рентгент пленкаси тоза, тош йўқ. Учинчи куни у соппа-соғ ҳолда оиласига қайтди.

Қизиқ... баданга тиғ тегмаса, қон чиқмаса, тери куймаса, лекин болға билан ҳам майдалаб бўлмайдиган, одам организмидаги тошни парчалаб, қум қилиб ташласа. Бундай аппаратни яратган инсон ақлзаковатига қойил қоласан киши. Чет элда махсус тайёргарликдан ўтиб келган, ташқи тўлқин ёрдамида тош майдалаш бўлимининг мудири Александр Владимирович Барабашга бир неча саволлар билан мурожаат этдик.

— Александр Владимирович, тош касаллигини даволашдаги бу ноёб муолажа ҳақида батафсил тушунтириб берсангиз.

— Ушбу даволаш усулининг мақсади, «Литотриптор» аппарати ёрдамида ташқаридан зарб тўлқини бериш билан буйрак, сийдик йўли, ҳатто ўт қопи ва ўт йўлида пайдо бўлган тошларни парчалаб, мустақил равишда тушиб кетишини таъминлашдан иборатдир.

Тошларнинг ҳажми ва жойлашишидан қатъи назар даволаш енгил оғриқсизлантирувчи ёки умумий наркоз остида амалга оширилади. Ультратовуш ёки рентген нурлари ёрдамида беморнинг тош йиғилиб қолган жойи «Литотриптор» зарб тўлқини фокусига тўғриланади. Қоидага мувофиқ муолажа 30 минутдан 60 минутгача давом этиши мумкин. Катталиги, миқдори ва таркибидан қатъи назар тошлар бутунлай парчалангунга қадар муолажа яна қайтарилиши мумкин.

— Тошни майдалаган тўлқин ҳар ҳолда тери ва унинг тўқималарига...

— Ҳеч таажжубланадиган жойи йўқ. Терида бир озгина қизариш пайдо бўлади, холос. Лекин бу тез ўтиб кетади.

Муолажани юз фоиз муваффақиятли, хатарсиз ўтишига ҳар қандай малакали чет эл шифокори ҳам кафолат бера олмайди. Тошни парчалаш жараёнида, парчаланган бўлакчалар силжиши туфайли сийдик йўли шиллиқ қаватларини тирнаб кетиши, оқибатида сийдик қон аралаш қизариб келиш ҳолатлари учраб туриши эҳтимоли ҳам бор. Буйракнинг айрим жойларида қон тўлишиш ҳолатлари бўлиши мумкин. Аммо бунинг учун хавотирга тушмаса ҳам бўлади.

— Бу муолажа усули барча ёшдагиларга тўғри келаверадими! Ёки...

— Биз фақат 15 ёшдан юқори кишилар билан шуғулланамиз, лекин ундан кичик ёшдагилар учун аппаратдан фойдаланишга ҳожат йўқ.

Аввало қабул қилаётган беморларимизни қунт билан обдон текширамиз. Хавф-хатар ва кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш мақсадида беморларни озиқ-овқатлар, дори-дармонлар, наркотик ва бошқа препаратларга ўта сезувчанлиги, аллергияси бор, йўқлиги; илгарилари рентген нуридан терисида қизариш, қичишиш каби аломатлар бўлган-бўлмаганлиги; аёл кишиларни текширганда, уларнинг ҳомиласи бор-йўқлигини аниқлаймиз.

— Муолажа бирор асорат бермайдими!

— Ҳозирги кунда кунига ушбу усулда олти беморга муолажа кўрсатилаяпти. Аппаратни ўрнатиб, иш бошлаганимиздан буён бизда 150 киши шифо топди. Лекин ҳали бирортаси, бирор шикоят билан қайтиб келгани йўқ.

— Эшитишимизча, жумҳуриятимизда буйрак тош касалликларига чалинганлар анча бўлиб, сизларга навбат кутишаётганмиш...

— Тўғри. Фақат буйрак ва сийдик йўли тош касалликларига чалинганлар Ўзбекистонда 1 миллиондан ортиқ десам, адашмайман. Чунки юртимиздаги ташқи муҳитнинг ифлослиги, ичимлик сувлари таркибининг ҳаддан ташқари сифати бузилиши, овқатланишнинг яхши эмаслиги, қолаверса, Оролдан кўтарилаётган тузлар тўзони одам организмида модда алмашинувининг бузилишига, одамларни тош касаллигига чалинишга олиб келаяпти.

Навбат кутаётганлар албатта кўп, шунинг учун биз икки сменада ишлашга тайёргарлик кўраяпмиз. Ҳозирча бундай аппарат жумҳуриятда ягона.

— Аппаратнинг баҳоси қанча! У қандай иқтисодий самара беради! Ўзбекистон учун шундай аппаратдан яна қанчаси керак!

— Аппаратни 2.200000 Олмония маркасига сотиб олдик. Лекин шу биргина аппаратни ҳам жумҳуриятимизга олиб келиш осон кечгани йўқ. Ўзбекистон Вазирлар Кенгашининг кўмаги билан «Узхлопкопром» бирлашмасининг маблағига уарид қилинди.

Иқтисодий самараси тўғрисида гапирадиган бўлсак, жуда катта нафи тегаяпти. Авваллари буйрак тош касалига чалинган бир бемор даволаниши учун ўртача кўрсаткич билан 20 кун касалхонада бўлиб, даволаниш харажатларига 1400 сўм, операция учун 800 сўм сарфланарди. Мана ҳозир бемор касалхонада узоғи билан уч кун бўлади. Ҳисоб-китобларга қараганда, 1 йилда 1200 беморни даволасак аппарат текинга тушди ҳисоб экан. Аппаратсиз 1200 беморни даволаш, операция қилиш учун 2.640.000 сўм давлат маблағи сарфланади. Беморларга меҳнат қобилиятини йўқотганлиги варақаси учун тўланадиган маблағ эса давлат чўнтагида деган сўз.

Қанийди жумҳуриятимиз учун шундай аппаратдан яна ўн иккитаси бўлса. Жуда аломат бўларди...

Суҳбатни Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги жумҳурият саломатлик марказининг ходими,
Абдумажид ЭРГАШЕВ
ёзиб олди.

МУАЛЛИФДАН: мақолани рўзномага топширишдан олдин жумҳурият 1-клиник касалхона бош врачи Мирафзал Маҳмудович Юнусов билан телефонда боғланиб, А. В. Барабаш билан бўлган суҳбатдан уни хабардор қилдим. У киши шу аппарат тўғрисида ҳозирча ёзмай турсак бўлармиди, чунки аппарат битта-ю-битта, беморлар кўп. Шу билан бирга ўзларининг шахсий фикрларини ҳам билдирдилар.

— Тиббиётнинг аҳволи ҳаммага маълум. Қимматбаҳо аппаратларни сотиб олишга қурби етмайди. Аммо вилоятлардаги раҳбарлар, чет эл валюталарига эга бўлган хўжаликларнинг бошлиқлари жиддий ўйласалар, ёмон бўлмас эди. Қанчадан-қанча беморларнинг меҳнат куни тежаларди. Кунлаб касалхоналарда ётиш ўрнига иш жойларида бўлишиб халқимизга фойда келтирардилар.

Ҳеч бўлмаса, 2-3 вилоят раҳбарлари бирлашиб бўлса ҳам жумҳуриятимизга яна 4-5 шундай «Литотриптор» сотиб олинса кўнгилдагидек бўларди. Халқ саломатлиги йўлида жон куйдириб хизмат қилган киши савобга қолади-ку ахир!

ТВ

10 ОКТЯБРЬ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 «Табиат — ҳаёт чашмаси». Кинопрограмма. 12.10 Такрорий фильмлар экрани. «Четга оғиш ноль». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Қўшиқ». Мультфильм. 18.20 «Спорт сайли». 18.55 «Фанга бағишланган умр». Профессор Ш. М. Шомуҳамедов. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг 70 йиллиги олдидан. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Ёшлик оқшоми». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Мулоқот». Жумҳурият атамашунослик қўмитасининг аъзолари билан учрашув. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». 23.00 «Учар йигит». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Мода-90» (рус тилида). 20.00 «Тошкент» хабарлари. 20.10 «Ажойиб хаёлпараст». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Бех аз санноъи олам деҳқон аст». Пахтакорлар учун кўрсатув. 22.50 «Қуллар». Телевизион бадиий фильм. 3-серия (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 11.05 «Христофор Колумб». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 12.30 «Бу бўлган... бўлганди...». 13.00 «Вақт». 13.40 «Фестиваллар... Конкурслар... Концертлар...».

* * *

16.15 Болалар учун фильм. «Туш ёки кулги ва кўзёшлар». 2-серия. 17.20 Молдова мусиқий фольклорининг концерти. 17.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 19.00 «Вақт». 19.30 «Вивесканн ўзгартириш ёки НЭП?». 1-кўрсатув. 20.00 «Христофор Колумб». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 21.30 «Вақт». 22.00 Коллаж. 22.05 «Леннон биз билан». Олимпия спорт комплексида кеча. 00.15 «ТСН».

● МТ II

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув программаси

9.15 «Высокогорье капалаклари». Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Табиатшунослик. 3-синф. Барглар тўкилганда. 10.05 Немис тили 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 Умумий биология. 10-синф. Сунъий танлашнинг ижодий аҳамияти. 12.05 Рус тили. 13.05 «Ўғирлик». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 14.10 «Кўзагу огушида танҳо». Телевизион ҳужжатли фильм. Певек оби ҳавони кузатиш марказининг бош муҳандиси В. Н. Купецк ҳақида (Владивосток). 14.45 М. Мусоргский. «Кўргазмадаги манзаралар». Фортепьяно туркуми. М. Плетнев ижро этади. 15.20 Такрорий телефильмлар сеанси. «Олтин тўй». 2-серия.

* * *

17.30 «Бечора Маша». Телевизион бадиий фильм. 1-серия («Экран»). 18.35 В. Комаров. Виолончель ва оркестр учун концерт. 19.00 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 19.30 Коллаж. 19.35 З. Маттус. Труба ва литавр ҳамда оркестр учун концерт. 19.55 «Хайнань ороли тажрибаси». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биздачи...». 20.45 Якутия АССР Давлат телерадиоси. «Рельслар шимол томон шошилаяптими?» (Якутск). 21.25 «Тақиқланган шаҳар». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм. «Хитой маданияти» туркумидан. 14-серия — «Хитойнинг қадимги даврдаги живописи». 15-серия — Дарёда хотирлаш куни». 21.15 СССР Олий Совети сессиясида. 23.15 РСФСР Олий Совети сессиясининг кундалиги. 00.15 Шанси вилояти фольклор гуруҳининг концерти (ХХР). 00.50 Хоккей. СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Сокол». 2 ва 3-даврлар.

ТВ

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ
Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23590.